

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридиневич
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAКAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Дилорам Зияева,
Муҳаммад ал- Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети катта ўқитувчиси
ziyayevad@mail.ru

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. БАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

For citation: Diloram Ziyayeva, THE RISE OF SCIENCE IN CENTRAL ASIA IN THE 9TH-12TH CENTURIES. THE GREAT INFLUENCE OF SCIENTISTS IN THE WORLD CIVILIZATION. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.71-76

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072209>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада IX-XII асрларда Мавороуннархда илм- фан юксалиши, хозирги замон фанининг кўплаб тармоқлари ва йўналишларига чинакам пойдевор яратилганлиги айниқса математика, алгебра, тиббиёт, геология, геодезия, фалсафа сингари дунёвий фанларнинг ривожланишида тамал тошининг қўйилганлиги борасида фикрлар билдирилган. Хусусан, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ахмад ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Муҳаммад ал-Хоразмий сингари илм пешволари ҳам дастлаб шу заминда улғайиб камолот босқичига кўтарилганликлари баён этилган. Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрлар даври илм фани ўзининг серкирра, теран мазмун моҳияти билан Ватанимиз тарихи зарварагида ўчмас саҳифа бўлганлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: моддий маданият, маданий тараққиёт, илмий мерос, илм-фан, уйғониш, бадий адабиёт, ислом маданияти, ҳадис илми, тасаввуф таълимоти, ижтимоий адолат.

Дилорам Зияева,
старший преподаватель Ташкентского
технологического университета имени
Мухаммада ал-Хоразми
ziyayevad@mail.ru

ЭПОХА ВОЗРОЖДЕНИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ЭПОХУ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ. ВКЛАД ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ В РАЗВИТИЕ МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье высказываются мнения о подъеме науки в Мавороннархе в IX-XII вв., создании реального фундамента для многих отраслей и направлений современной науки, таких как математика, алгебра, медицина, геология, геодезия, философия. В частности, утверждается, что на этой почве выросли и достигли значимости такие деятели науки, как Абу Райхан Беруни, Ибн Сина, Ахмад аль-

Фаргани, Мухаммад аль-Хоразми.

Ключевые слова: Материальная культура, культурное развитие, научное наследие, наука, ренессанс, художественная литература, ислам

Diloram Ziyaeva,

senior lecturer of Tashkent Technological University

named after Muhammad al-Khwarizmi

ziyaevad@mail.ru

THE RISE OF SCIENCE IN CENTRAL ASIA IN THE 9TH-12TH CENTURIES. THE GREAT INFLUENCE OF SCIENTISTS IN THE WORLD CIVILIZATION

ABSTRACT

In this article, opinions are expressed about the rise of science in Mavoronnarkh in the 9th-12th centuries, the creation of a real foundation for many branches and directions of modern science, especially the foundation stone for the development of secular sciences such as mathematics, algebra, medicine, geology, geodesy, philosophy. In particular, it is stated that the leaders of science, such as Abu Rayhan Beruni, Ibn Sina, Ahmad al-Farghani, Muhammad al-Khorazmi, grew up on this ground and rose to maturity.

Index Terms: material culture, cultural development, scientific heritage, science, renaissance, fiction, Islam.

1.Долзарблиги:

Маълумки, тарихий таҳлил нафақат воқеликни ёритиш, балки унинг қандай вазиятда юз берганлигини, ижобий ва салбий оқибатларини, кейинги даврларга ҳам ўтказган таъсирини инобатга олмақдир.

Бу даврдаги ижтимоий ва иқтисодий вазият минтақада илм-фан, умуман маданиятнинг кенг қўламда ривожланишини тақозо қилар эди. Дарҳақиқат, ўлкамизда бу асрларда вужудга келган кашфиётлар ва билимлар кўп жихатдан ҳаётий бўлиб, ижтимоий эҳтиёжи, жадал суратларда ўсиб бораётган феодал муносабатлар талабини қондириш, кенг маънода моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши билан боғлиқ бўлган. Ана шу эҳтиёж юртимизда буюк алломаларнинг вужудга келишида, улар ижодининг самараларида намоён бўлди.

Мамлакатимизда юз берган илк ренессанснинг яна бир муҳим омили шундан иборатки, Марказий Осиёда қадимдан цивилизация асослари, моддий ва маънавий маданиятнинг чуқур илдизлари мавжуд бўлган, Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари қадимдан маданият анъаналарга бой ва маънавий мавқеи юқори бўлган. Шу сабабдан Марказий Осиё араб халифалигига, умуман ислом дунёсига киргандан кейин ҳам узок давр барча мусулмон ўлкалардаги маданиятнинг ривожига кўп жихатдан етакчи бўлган.

2.Методлар ва ўрганганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий мантикий таҳлил, кетма кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёзилган.

IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятининг ўсишида янги давр бошланганлиги борасида маълумотлар берилган.

Ўрганилаётган ушбу даврда ҳудудларимизда моддий маданият ўзига хос услуб ва шаклларда тўхтовсиз ривожланганлиги, ислом маданиятининг ривожига урғу берилган. Ислом фақат дингина эмас, балки янги маънавий йўналиш сифатида ҳам бутун маданий жараёнга, барча мусулмон мамлакатлари орасида ижтимоий маданий ва маърифий алоқаларнинг кучайишига сезиларли таъсир қўйганлиги, IX-XII асрларда юртимизда тарих, географияга қизиқиш ва бу илмларга эътибор кучайганлиги баён этилган.

Бу даврда Мовароуннаҳр, Шош, Фарғона, Ёттисув ва Шарқий Туркистонда туркий халқларнинг қадимдан давом этиб келаётган оғзаки адабиёти билан бир қаторда, ёзма адабиёт юзага келганлиги эътироф этилган. Тарихчи олимлар М. Хайруллаев, Ф. Сулаймонова, А. Абдунабиев, А. Мухаммаджонов ва бошқалар томонидан шу даврга оид асарлар нашр этилган. IX-XII асрларда Ўрта

Осиёдаги илк уйғониш даврини ўрганиш ва унинг доирасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш давом этмоқда.

3. Тадқиқот натижалари:

Мустақиллик йилларида маънавий ва тарихий хотира масалалари давлатимиз сиёсатида устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Чунки “Миллатнинг ўзлигини англаши тарихни билишдан бошланади”. Ушбу ҳақиқат Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлиридек, “...давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз инсонларнинг турмуш тарзи турли сабабларга кўра доимо бир йўсинда, равон бўлмаганлигини кўрамиз. Мозийдан маълумки, одамзод умумий ривожланиш билан бирга қанчадан-қанча табиий офатлар, қирғинбарот урушлар, истило-босқинлар, улар натижасида вайронагарчиликларни бошидан кечирган экан. Захматкаш инсон даврлар ўтиб бу танглик ва тушқунликларни енгиб моддий ва маънавий даражасини қайта тиклаган ва янги тараққиёт сари астойдил интилган экан.

Фанда бундай йирик салмоқли юксалишни уйғониш, ренессанс деб ҳам атаганлар. Француз тилидан олинган “ренессанс” сўзи тикланиш, уйғониш маъносида таржима қилиниб адабиётга кириб келган. Бу сўз одатда у ёки бу ҳудудда, мамлакатда юз берган моддий, маданий, илмий, маърифий, маънавий жиҳатдан катта юксалиш даврини тасниф этишда ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида “... Агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тибиёт ва инсони англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, шарқ Уйғониш даврининг ўзига ҳос хусусияти, аввало математика, астраномия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди” – деб таъкидланган.

IX-XII асрларда Марказий Осиё олимлари ўша пайтда дунёда мавжуд бўлган барча илм соҳалари билан қизиққанлар ва кўп фанлар ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар. Бу ҳақда М.Хайруллаевнинг “Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти” (“Фан”, 1994) ва Ф.Сулаймоновнинг “Шарқ ва Ғарб” (“Ўзбекистон”, 1997) асарларида, шунингдек ўлкамиздан чиққан машҳур мутафаккир ва донишмандларга бағишланган “Буюк сиймолар, алломалар” (“Мерос”, 1995, 1996, 1 ва 2 китоб) тўпламида бой, сермазмун, ишонарли мисол ва далиллар келтирилади. Бундай маълумотлар бир қатор бошқа тадқиқотчилар чоп этган рисола ва мақолаларда ҳам мавжуд. Буларни ўқиган ҳар бир кишида янгича туйғу, аждодларимиз ақлу- заковатига чуқур эҳтиром, миллатга ғурур, мустақил Ўзбекистон истиқболига астойдил ишонч ҳисси бениҳоя ошади.

Қадимги алломаларимизни тилга олар эканмиз, одатда аввало беш буюк сиймоларни - Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Беруний ва Ибн Синоларнинг табаррук номлари ёдга тушади, лекин уларнинг юзлаб издошлари, шогирдлари ҳақида бизда маълумотлар кам бўлган. Кейинги вақтларда уларнинг талайгина қисми тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўлмоқдамиз. Юқорида зикр қилинган асарларда деярли икки юзга яқин донишмандлар, мутафаккирлар, адабиётчилар ва бошқа зиё тарқатувчилар номи тилган олинади. Улар ижоди биз учун жуда катта бебаҳо маънавий меросдир. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ўша даврдаги донишмандларимизнинг кўпчилиги қомусий олим бўлганлар, улар аниқ ва гуманитар фанларнинг турли соҳалари бўйича билимдон бўлганлар, бу билимларнинг алоқадорлиги ва муносабатларини аниқлаш қобилиятига эга бўлганлар. Улар бу жараёнда ўзларининг юқори дид, фахму-фаросат ва юксак салоҳиятларини намоиш этганлар.

Мусо Ал-Хоразмий (783-850)-буюк математик астроном ва географ олим. У дунё фанига ғоят катта ҳисса қўшган. Хусусан, алгебра фанининг асосчиси бўлган. “Алгебра” сўзининг ўзи эса унинг алжабр ҳисоби асаридан олинган. Хоразмий арифметика масалаларига

оид китобида ҳинд рақамлари асосида ҳозирги даврда инсоният кенг фойдаланаётган ўнлик позицион ҳисоблаш системасини тузди. Олимнинг географияга оид китоби араб тилида ўнлаб географик асарларнинг яратилишига замин яратди. Хоразмийнинг "Зижи" шарқу- ғарб мамлакатларида астрономиянинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди.

Аҳмад ал-Фарғоний (тахминан 798-865) гўзал водийнинг Қува шаҳрида таваллуд топиб дастлабки билимни она шаҳрида, сўнг замоннинг йирик маданий марказларида-Марв ва Бағдодда, Дамашқ ва Қоҳирада катта илмий тадқиқотлар олиб борди, астрономия, география, геодезия каби фанларда буюк кашфиётлар яратиб дунёга машхур бўлди.

Ал-Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Берунийлар кўпгина аниқ фанлар соҳасида, хусусан, риёзиёт, илми нужум, табобатда самарали ижод қилдилар, кўп янгиликлар яратдилар. Шу билан бирга улар фалсафа, мантиқ тил ва адабиёт, тарих мусиқа бобида ҳам катта илмий ишларни амалга ошириб, замоннинг энг пешқадам донишмандлари сифатида танилганлар. Бундан ташқари,бу улуг зотлар жамият хусусида, салтанатни адолатли идора қилиш, ҳокимият билан раият ўртасидаги муносабатлар тўғрисида кўп инсонпарварлик ғояларини олға сурганлар. Бу сиймоларнинг яна бир хислати тилга эътибор ва эҳтиром бўлган. Улар кўп тилларни - араб, форс, туркий билан бирга лотинча ва юнончани мукаммал билганлар, санскритни ўрганганлар, хитой тилидан хабардор бўлганлар.

Буюк сиймолар ўзларидан аввал ўтган барча йирик олимларнинг, хусусан Хитой, Хиндистон, Юнонистон, Эрон, Арабистонда ижод этган мутафаккирларнинг кўпчилиги асарларини мукаммал ўрганиб, изоҳлар ёзганлар, уларнинг айрим нуқсонларини кўрсатганлар, масаланинг қандай тури хал бўлишини, объектив ҳолатни ёритиш борасида ўзларининг муҳим мулоҳаза ва ҳулосаларини баён этганлар. Хусусан, Форобий Аристотелнинг "Метафизика", "Этика", "Риторика", "Софистика" асарларини синчиклаб ўқиб уларни чуқур таҳлил этади.

Бу ажойиб олимларнинг бевосита ва билвосита таъсири натижасида юзлаб шогирдлар ва издошлар етишиб чиқди. Масалан, Ибн Сино машхур мураббий сифатида Абу Убайд Журжоний, Умар Исфаконий. Муҳаммад Шерозий, Аҳмад Маъсурий, ибн Марзон, Юсуф Ийлокий, Умар Хайём каби шогирдларни тарбиялаган. Фарғоний ва Беруний анъаналарини давомчиси хоразмлик Маҳмуд Чағминий бўлган. У фалакиёт, фалсафа, география ва риёзиёт соҳаларида хайрли из қолдирган. Исмоил Журжоний эса Хоразмшоҳлар даврида тиббиёт ҳақида 12 жилдлик нодир асар яратган. Фаҳриддин Розий фалсафа, мантиқ, ҳуқуқшунослик, тиббиёт ва бошқа соҳаларда 150 дан ортиқ илмий рисоалар битган. Улардан кўриниб турибдики, Розий ўз ижодида қадимги юнон олимлари ҳамда Форобий, Ибн Сино асарларидан кенг фойдаланган. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Шу билан бирга бу даврларда тарих, тил, адабиёт, санъат соҳаларида ҳам катта маънавий юксалиш юз берди, Хусусан, Наршахийнинг "Бухоро тарихи", Байҳакийнинг "Тарихи Маъсудий", Балъамий, Насавий, ал-Утбий каби тарихнавислар юртимиз ўтмишига доир муҳим асарлар яратганлар.

Маҳмуд Қошғарий Марказий Осиёнинг кўп шаҳарларида бўлиб туркий тил, туркий халқлар этнографияси, тарихи, урф-одатлари, оғзаки адабиётига оид "Туркий тилларнинг синтаксис қоидалари"ни ёзди. У катта монографик асар"Девони луғати турк" ("Турк сўзлар девони") ни яратди. Унда X-XI асрларда кенг минтақада тарқалган 7,5 **мингдан** ортиқ туркий сўзларнинг изоҳлари, грамматик ва дидактик хусусиятлари, шевалари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Бу асар тилшуносликнинг энг қимматли намунаси, барча туркий халқларнинг миллий маданият манбаи бўлган. Адаб илмининг буюк намоёндаси бўлган Аҳмад Югнакий "Ҳақиқатлар тухфаси" деб аталган дoston яратди. Дoston одамларга маънавий-ахлокий камолат сирларидан таълим беришга мўлжалланган нодир асар бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб 1070 йилда ёзиб битирган "Қутадғу билик" ("Саодатга бошловчи билим") асари туркий халқларнинг энг йирик ёзма ёдгорликларидан биридир. Асарда муаллифнинг ахлокий-тарбиявий қарашлари, қадимий анъаналарига муносабати масалалари кенг ёритилган.

Ўша даврда ҳуқуқшунослик бобида жуда катта тадқиқотлар олиб борган Бурхониддин ал-Марғилоний (1123-1197) эди. У дастлабки таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик

Самарқандга кўчиб борган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган. У бутун ислом оламига машхур бўлган "Хидоя" асарини яратди. Китоб кўп жилдлик бўлиб, мутахассисларнинг эътирофи этишича, мусулмон ҳуқуқ-фиқҳ бўйича энг аниқ изчил, мукаммал асар сифатида узоқ вақт давомида тан олинган.

Бу даврларда дунёвий фан ва маданият билан бир қаторда ислом мазмунини, мохиятини ўрганиш, уни англаш, кенг тарғиб этиш бобида ҳам катта ишлар қилинди. IX асрда яшаб ижод этган Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ислом динининг буюк олими ва муҳаддиси бўлиб етишиб чиқди. У зот авлодларга бой ва қимматли мерос қолдирган, исломшунослик соҳасида 30 дан ортиқ асар ёзган. Буюк алломанинг энг муҳим асари ишончли ҳадислар тўплами бўлиб, ўн олти йил давомида ёзилган. Бу асарнинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб киритганлар. Ал-Бухорий эса эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончилиларини ажратиб алоҳида китоб яратди. Асарга киритилган ҳадисларнинг сони 8 мингга яқин бўлган. Ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари ёзилганидан бошлаб то бугунги вақтгача, ислом таълимотида Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда.

Исломшунос буюк олимлардан яна бири юртдошимиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийдир. У ал-Бухорийнинг замондоши ва сафдоши бўлган. Ат-Термизий исломни чуқур ўрганиб "Пайғамбарларнинг алоҳида фазилятлари", "Ҳадислардаги оғишишлар", "Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб" каби бир қанча асарлар яратган ва барча мусулмон дунёсида машхур бўлган, Ал-Хоразмий ва ал-Фарғоний, ал-Бухорий ва ат-Термизийлар бир замон ва маконда ижод этганлар. Бу ўша замонда, яъни бундан 1200 йил аввал юртимизда диний ва дунёвий илмлар баробар ривожлангани ва бир-бирига зид бўлмаганидан далолатдир.

Ислом дини шакллангандан сўнг унинг доирасида, Қуръон ва Ҳадис талабларига мос равишда пайдо бўлган тасаввуф (сўфийлик) таълимоти XI асрга келиб Мовароуннахрда ҳам кенг тарқала-бошлади ва янги хусусиятларни ўзида жамлади. Ўлкамизда сўфийлик асосларини дастлаб тарғиб этган Юсуф Ҳамадоний (1043-1140) бўлган. Унинг издошлари Хожа Ғиждувоний, Ахмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний туркий тилда ёзилган "Ҳикматлар" девони, "Охир замон", каби асарларида қийинчиликларга сабр этувчи, чидамлилиққа, оғир- ҳаётга ўрганган одам ҳақиқий сўфий бўла олади ва худо васлига эришади, деган таълимот асосий ғоя бўлган. Хоразмда Нажмиддин Кубро асос солган таълимотда Кубравия биродарлигининг қоидалари ишлаб чиқилган.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, IX- XII асрларда юртимиз олимлари аниқ фанлар, табобат, табиатшунослик ва фалсафа соҳасида нодир асарлар яратганлар, улар заминидан эса янгича ёндошиш, хурфиқрлилиқ илмий жихатдан янги кашфиёт ва ихтиролар ётади.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон, унинг халқи янги цивилизация арафасида турибди, мамлакатимиз улкан тараққиёт сари қадам қўймоқда. XXI аср бошлари Ўзбекистон учун янги учинчи Ренессанс даври бўлса ажаб эмас.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан бирга қурамыз. Т. Ўзбекистон. 2017. // Мирзиёев Ш. М. Мы построим наше великое будущее вместе с нашим смелым и благородным народом. Т. Узбекистан. 2017. // Mirziyoev Sh.M. We will build our great future together with our brave and noble people. T. Uzbekistan. 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Достижения науки – Важнейший фактор развития. Народное слово. 2016.31 декабрь. // Mirziyoev Sh.M. Achievements of science - The most important factor in development. Narodnoe slovo. 2016.31 December. // Mirziyoev Sh.M. Fan yutuqlari - Taraqqiyotning eng muhim omili. Narodnoe slovo. 2016
3. Абдунабиев А.Ғ. Илм эгаллаш ибрати. Т. 2006. // Abdunabiev A.G'. Teaching of knowledge acquisition. T. 2006. // Абдунабиев А. Г. Обучение приобретению знаний. Т. 2006.

4. Абдунабиев А.Г. Марказий Осиёда юз берган уйғониш (ренессанс) Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси. Т. 1998. // Абдунабиев А.Г. Ренессанс в Центральной Азии, вклад наших предков в мировую цивилизацию Т. 1998. // Abdunabiev A.G. The renaissance in Central Asia, the contribution of our ancestors to the world civilization T. 1998.
5. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. 1 жилд дарслик –Т: Янги аср авлоди. 2014. // Ешов Б., Одилов А. История Узбекистана. Учебник 1 том-Т: Поколение нового века. 2014. 1998. // Eshov B., Odilov A. History of Uzbekistan. 1 volume textbook -T: New age generation. 2014. 1998.
6. Хамидов Х. Ўзбекистон тарихи. Т. 2015. // Хамидов Х. История Узбекистана. Т. 2015. // Khamidov H. History of Uzbekistan. T. 2015.
7. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Т. 2016. // Усманов К. История Узбекистана. Т. 2016. // Usmanov Q. History of Uzbekistan. T. 2016.
8. Ширинова Ф., Зияева Д. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. 1 қисм. Т. 2015. // Ширинова Ф., Зияева Д. История Узбекистана. Учебное пособие. Часть 1. Т. 2015. // Shirinova F., Ziyaeva D. History of Uzbekistan. Study guide. Part 1. T. 2015.
9. Ширинова Ф., Зияева Д. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. 2 қисм. Т. 2015. // Ширинова Ф., Зияева Д. История Узбекистана: Учебное пособие. Часть 2. Том 2015. // Shirinova F., Ziyaeva D. History of Uzbekistan. Study guide. Part 2. Vol. 2015.
10. Обломуродов Н. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. Т. : Янги аср авлоди 2011. // Обломуродов Н. и др. История Узбекистана. Учебное пособие. : Поколение нового века 2011 г. // Oblomurodov N. and others. History of Uzbekistan. Study guide. T. : New century generation 2011
11. М. Хайруллаевнинг Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Фан. 1994. // Хайруллаева М. Культура раннего Возрождения в Средней Азии // Наука. 1994. // M. Khairullaev's culture of the early renaissance in Central Asia. Science. 1994.
12. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Ўзбекистон. Т. 1997. // Сулайманова Ф. Восток и Запад. Узбекистан. Т. 1997. // Sulaymanova F. East and West. Uzbekistan. T. 1997.
13. Буюк сиймолар, алломалар (уч китоб) Т. Мерос. 1995, 1996, 1998. // Великие деятели, легенды (три книги) Т. Мерос. 1995, 1996, 1998. // Great figures, legends (three books) T. Meros. 1995, 1996, 1998.
14. Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар.) Т. Мерос. 1999. // Звезды духовности. (Известные деятели, ученые, писатели Средней Азии.) Т. Мерос. 1999. // Stars of spirituality. (Famous figures, scholars, writers from Central Asia.) T. Meros. 1999.
15. Маърифат журнали-WWW info // Журнал Enlightenment-WWW информация // Enlightenment magazine-WWW info
16. www.ZiyoNet.uz

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000